

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик иқтисодийнинг ўсиш нуқтасига айланди. Бугун мазкур соҳада ишлаб, рўзгор тебратаётган, ўзи, оиласи, маҳалладошларини иш билан таъминлаётган, тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартишга ҳисса қўшаётган фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратилиб, давлат кўмаги берилмоқда.

Шу йилнинг 9 июнь куни Президентимиз раислигида миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири кичик бизнесни ривожлантириш экани алоҳида таъкидланди.

Оққўрғон туманидаги “Lepus Agro Service” куёнчилик корхонаси раҳбари Фирдавс Ҳотамов ҳам иш фаолиятини яқка тартибдаги тадбиркорликдан бошлаган.

2016 йилда Москвадаги Россия халқлар дўстлиги университетининг ахборот технологиялари йўналишини тамомлаган ёш ишбилармон шу йилнинг январь ойида “Lepus Agro Service” куёнчилик корхонасини сотиб олди. 2018 йилда ташкил этилган мазкур МЧЖ фаолияти тизимли йўлга қўйилмагани боис, банкротлик ёқасига келиб қолганди. Фирдавс Ҳотамов эса корхона ишини қайтадан оёққа кўйиб, илк босқичда минг дона француз куёнини боқишни бошлади. Ҳозир улар сони салкам 4 мингтага етказилиб, куён гўшти маҳаллий бозор ва супермаркетларга тарқатилляпти. Корхонада 6 киши доимий, 15 нафари мавсумий иш билан таъминланган.

— Куёнчилик юртимиз тадбиркорлари учун нисбатан янги йўналиш бўлишига қа-

Тадбиркорлик

ТАДБИРКОРГА 2,3 МИЛЛИАРД СЎМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

Банк ишончи қандай ва қанча вақтда оқланади?

рамай, сўнги йилларда сезиларли даражада ривожланиб борапти, — деди Фирдавс Ҳотамов. — Ҳозир куёнларни кимдир терисини олиш учун боқса, бошқалар декоративларини боқишга ишқибоз. Бизнинг корхонамиз эса маҳаллий бозорларга фақат куён гўшти чиқаради.

Банк тадбиркорни қўллаб-қувватлади

Айни пайтда корхона биноси 4 гектарли фермер хўжалиги ҳудудининг тўртдан бир қисмида жойлашган бўлиб, ер эгалари билан тузилган шартнома асосида қолган 3,5 гектар майдон ҳам “Lepus Agro Service” МЧЖга ўтказиб берилди. Бу ҳудудда 3 та қўшимча бино қуриляпти. Корхона раҳбарининг айтишича, ҳозирги бинода кўпи билан 6 мингта куён боқиш имконияти бор. Аммо куёнлар жуда тез кўпайяпти ва бу жой улар учун тез орада торлик қила бошлайди. Шу боис, 3 та янги бино қурилишини август ойида якунлаш, йил охирига қадар уларда боқиладиган куёнлар сонини 20 мингтага етказиш режалаштирилган.

Катта майдонда замонавий бинолар қуриши, уларни илғор технологиялар билан жиҳозлаш озмунча маблағ талаб этмайди. Ёш тадбиркор кредит олиш мақсадида ўз лойиҳаларини “Микрокредитбанк”ка тақдим этди.

Банк ходимлари корхона фаолияти ва истиқбол режалари билан танишгач, лойиҳа келажакга ишонч билдирди. Фирдавс Ҳотамовга 5 йил муддатга 19 фоиз ставка



асосида 2 миллиард 300 миллион сўм кредит ажратилди. Қувонарлиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди ёш ишбилармонга ажратилган 19 фоизли кредитнинг 4 фоизини тўлаб беришни ўз зиммасига олди. Бу катта иш остонасида турган тадбиркор учун яхши молиявий таянч бўлади.

Куён боқишнинг французча технологияси

Корхонада, асосан, француз куёнлари боқилади. Улар Франциядан келтирилгани боис, “французча усул”да парваришланади. Одатда куёнлар урчитилганидан сўнг орадан бир ой ўтгач болалайди ва яна бир ой давомида боласини сути билан боқади. Бунда битта куёнга 3 ой вақт сарфланади. Француз технологияси бўйича эса куёнлар болалаганидан кейин 20 кун ўтиб, яна урчитилади.

бозорларда унга бўлган талаб йил сайин ортиб борапти.

— Корхонамизда етиштирилган куён гўштини, асосан, “Макро” супермаркетларига етказиб берамиз, — дейди Фирдавс Ҳотамов. — Бу борада “Корзинка” супермаркетлар тармоғи билан ҳам шартнома имзоланган, аммо ҳали уларни гўшт билан таъминлай олмаямиз. Бизга ҳатто маҳаллий деҳқон бозорларидан ҳам шартнома тузиш бўйича таклифлар тушяпти. Бироқ ҳозирча уларни рад этишга мажбур бўляпмиз. Чунки аввал куёнларни кўпайтириб олишни режалаштирганмиз. Яна учта биномиз ишга туширилгач, куз ойларидан кўплаб бозор ва савдо дўконларининг талабларини қондириш мумкин бўлади.

Корхонада куён етиштиришни 20 мингга етказиб, ички бозор маҳсулот билан тўлиқ таъминлангач, экспортни йўлга қўйиш устида иш олиб борилади. Бунинг учун корхонада 10 тонна сиғимга эга музхона мавжуд. Ҳозир Қозоғистондан ҳамкорлик бўйича таклифлар тушган. Уларни инобатга олиб, МЧЖ раҳбарияти келгусида яна битта куёнчилик корхонасини ташкил этиш, унда боқиладиган куёнларни, асосан, хорижга экспорт қилишни режаламоқда.

Барча жараёнларни автоматлаштирилган қурилмалар бажаради

Мазкур соҳада, энг асосийси, жониворларга озуқа беришни тўғри ташкиллаштириш ва куёнхонада зарур ҳаво ҳароратини ушлаб туриш ҳисобланади. Ушбу жиҳатлар озгина эътибордан четда қолса, куёнлардан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас.

Шу боис, корхонада бу жараёнлар автоматлаштирилган замонавий қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

Мутахассисларнинг айтишича, куёнхона ҳарорати йил давомида 19-21 даража орасида туриши керак. Бизнинг иқлим шароитида эса бунинг таъминлашнинг имкони йўқ. Замонавий вентиляциялаш тизими бинодаги ҳаво ҳароратини автоматик назорат қилиб, мустақил бошқаради.

Бу ерда куёнларни озиклантириш ҳам механизациялаштирилган. Жониворлар жуда нозик бўлгани боис, уларга йил давомида бир хил миқдорда озуқа бериш керак. Шу боис, улар, асосан, грануладан озикланади. Ўзи махсус техникалар ёрдамида куёнлар учун зарур 7-8 хил озуқа, хусусан, беда, арпа, буғдой бир хил миқдорда олиниб, бир хил массага келтирилади ва гранулада куёнларга берилади. Бу жониворларнинг бир кунлик озуқасининг 50 фоизини беда ташкил этади. Ушбу миқдорни таъминлаш учун корхонага ажратилган 40 гектар ер майдонида беда экилган. Қолган зарур озуқа маҳсулотлари эса турли корхоналардан харид қилинади.

Шунингдек, бу ерда куёнларга витамин беришга мўлжалланган замонавий дозатор қурилмаси ҳам бор. У белгиланган миқдордаги сув ва дори аралашмасини керакли вақтда етказиб туради.

— Авваллари замонавий технологиялар, асосан, хориждан жуда қimmat нархларга олиб келинган, — деди Фирдавс Ҳотамов. — Ҳозир бундай қурилмалар ўзимизда йиғилаётгани боис, уларни маҳаллий бозорлардан 2-3 баробар арзонга харид қилаямиз. Хусусан, куёнхонлар учун зарур қафаслар, вентиляциялаш тизимларини сотиб олиш бўйича маҳаллий корхоналар билан шартномалар имзолаганмиз. Қувонарлиси, уларнинг сифати чет элда ишлаб чиқарилганидан сира қолишмайди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар рақобатбардош миллий товарлар ишлаб чиқарилиши ҳамда дунё бозорларига ўзбек бренди остида сифатли маҳсулотлар экспорт қилинишига ҳам замин яратмоқда.